(1695-1747)
(1711-1747)

Убайдуллахоннинг иниси. Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони. У хеч кандай реал хокимятга эга эмас, кундан-кунга мамлакат хаётида нуфузи кучайиб бораётган амирлар ва зодагонлар кўлида бир ,,кўгирчок” хукмдор эди, холос.Унинг даврида кейинчалик мангитлар давлатининг ташкил топишига сабабчи бўлган мангитлар кабиласидан келиб чиккан Мухаммад Хакимбий катта нуфузга эга бўлиб олган эди. У вактини кўнгулхушлик ишларига сарфлаб, майхўрликка берилиб кетди. Унинг етти фарзанди бор эди. Маст чогида уларни ўлимга махкум этди. Хали гўдак бўлган Абдулмўмингина тахт остига яширириб, омон колган. Хон деярли давлат ишларини назорат килмай кўйди. Шу тарика, Бухорода хон хокимияти бархам топди. Олий хокимият амалда олий кўшбеги бўлиб олган Жовшон калмок кўлига ўтди. Марказий хокимятнинг заифлашуви феудал таркокликни янада кучайтирди. Самарканд, Карши, Балх, Фаргона, Хива, Бадахшон амалда мустакил бўлиб олдилар. Бу ахвол ташки дусжманларнинг Мовароуннахрга бостириб киришга кулай имконият яратди. Абулфайзхон даврида ўзаро низолар кучайган, мамлакат чукур иктисодий-сиёсий таназзулга юз тутган. Бу даврга келиб хоннинг ахволи шу даражага етиб бордики, унинг фармонлари саройдан ташкарига чикмаган. Нодиршох кўшинларининг Мовароуннахрга килган юришлари натижасида Абуфайзхон тахтдан агдарилагн. Мухаммад Рахимбий буйруги билан 1747-йилда Абулфайзхон Мир Араб мадрасаси хужраларидан бирида ўлдирилади.
1924-йилда Абдурауф Фитрат унга багишлаб “Абулфайзхон” драммасини яратган.